



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети*

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна

*Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети*

Махкамов Қодиржон Одилжонович

*PhD, катта ўқитувчи
Наманган давлат университети*

Гофоров Шокир Сафарович

*тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный
университет, Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Абдор Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Сандович

*тарих фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат техника университети*

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич

*PhD, доцент
Наманган давлат университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Зухра Арипова МИСРДА МАМЛУКЛАР ДАВРИ (1250-1517) АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ҲОМИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	4
2. Шавкат Амонтурдиев МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎЧМАНЧИ ХАЛҚЛАРИНИНГ СИЁСИЙ БИРЛАШИШИДА ТАБИЙЙ ОМИЛЛАР.....	13
3. Махбуба Баратова КИБЕРМАКОН ШАРОИТА ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШ.....	20
4. Шухрат Бозоров АҲМАД ДОНИШ МАЪРИФАТПАРВАР ВА ЖАМОАТ АРБОБИ.....	29
5. Шавкатжон Жумаханов, Абдуқодир Тошпўлатов МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ.....	35
6. Гулчехра Раҳимова ЎЗБЕКИСТОНДА 1940-1980 ЙИЛЛАРДА САНОАТЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....	51
7. Алексей Грицина, Комил Раҳимов, Омон Мамиров ЎРТА АСР ХОВОС ОШХОНА ИДИШЛАРИГА ТАВСИФ.....	59
8. Шохжаҳон Рашидов АМИН НИЁЗОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	65
9. Озодбек Раджабов, Ҳамза Қаландаров XIX АСР БРИТАНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА “КАТТА ЎЙИН” МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ИНГЛИЗ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЁРИТИЛИШИ.....	72
10. Равшан Сиддиқов ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ (1991-2016 ЙИЛЛАР).....	78
11. Сарвар Қулдашев МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ “ДЕВОНИ ЛУҒОТИ ТУРК” АСАРИДАГИ УНВОН ВА ЛАВОЗИМЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	91
12. Sadoqat Xo'ja yorova XVIII-XIX ASRLARDAGI ROSSIYA IMPERIYASI VA QO'QON XONLIGI DIPLOMATIC ALOQALARINING TARIXSHUNOSLIKDA YORITILISHI.....	98

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Равшан Бердимуратович Сиддиқов,
тарих фанлари номзоди, доцент
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
ravsidd@mail.ru

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ (1991-2016 ЙИЛЛАР)

For citation: Ravshan B.Siddikov, TENDENCIES AND PROBLEMS OF HIGHER EDUCATION DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN IN THE PERIOD OF GLOBALIZATION (1991-2016 years). 2020, vol. 8, issue 3, pp.78-90

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-8-10>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада глобаллашув шароитида Ўзбекистон олий таълим тизимини ривожланиш тенденциялари ҳамда замонавий олий ўқув юртлирини шакллантириш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек босқичма - босқич амалга оширилган ислохотлар натижасида соҳада рўй берган таркибий ўзгаришлар, чет эл етакчи университетлари ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистонда олий малакали кадрларни тайёрлашдаги иштироки ҳамда илмий –педагогик кадрлар малакасини оширишда халқаро ҳамкорликни ривожланиши кўрсатилган. Юқори малакали кадрлар тайёрлашда юзага келган муаммолар ва уларни сабаблари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: глобаллашув, мустақиллик, олий таълим тизими, ислохот, таркибий ўзгаришлар, педагог кадрлар, илмий салоҳият, модернизациялаш, халқаро ҳамкорлик, олий таълим сифати.

Равшан Бердимуратович Сиддиқов,
кандидат исторических наук, доцент
Национального университета Узбекистана
имени Мирзо Улуғбека
ravsidd@mail.ru

ТЕНДЕНЦИИ И ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ (1991-2016 гг.)

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются тенденции развития системы высшего образования Узбекистана в условиях глобализации и формирования современных высших учебных

заведений. Также показаны структурные изменения в отрасли в результате поэтапных реформ, участия ведущих зарубежных университетов и международных организаций в подготовке высококвалифицированных кадров в Узбекистане и развития международного сотрудничества в повышении квалификации научных и педагогических кадров. Анализируются проблемы, возникшие при подготовке высококвалифицированных кадров, и их причины.

Ключевые слова: глобализация, независимость, система высшего образования, реформа, структурные изменения, педагогические кадры, научный потенциал, модернизация, международное сотрудничество, качество высшего образования.

Ravshan B. Siddikov,
Ph.D. in History, Associate Professor,
Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan
ravsidd@mail.ru

TENDENCIES AND PROBLEMS OF HIGHER EDUCATION DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN IN THE PERIOD OF GLOBALIZATION (1991-2016 years)

ABSTRACT

This article analyzes the trends of development of higher education in Uzbekistan in the context of globalization and the creation of modern higher education institutions, and also considers structural changes in this area as a result of gradual reforms. The participation of leading foreign universities and international organizations in advanced training and in the training of highly qualified personnel in Uzbekistan, is also viewed in the article. The causes of the emerged problems and the shortcomings in the development of higher education, including the training of highly qualified personnel, are reflected.

Index Terms: Globalization, independence, higher education system, reform, structural changes, teaching staff, scientific potential, modernization, international cooperation, the quality of higher education.

1. Кириш ва долзарблиги:

XX асрнинг охириги чорагидан бошлаб дунёда ижтимоий- иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда содир бўлган ўзгаришлар ҳамда глобаллашув жараёнларини кенг ёйилиши натижасида олий таълим соҳасида ўз кўлами ва хилма-хиллиги билан мисли кўрилмаган глобал характерга эга бўлган “академик инқилоб”ни бошланишига сабаб бўлди [1].

Маълумки, замонавий олий таълим тизимисиз дунёда бирорта давлат ўзини сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги ҳамда, маданий цивилизация ривожланиш даражасини таъминлай олмайди. Шу боис глобаллашув даврида барча давлатлар сингари Ўзбекистон ҳам замон талабига жавоб берадиган олий таълим тизимини шакллантиришга ва ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Мустақилликни дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон ҳукумати мамлакат тараққиёти мезонларини белгилайдиган, замонавий талабларга мос, юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кадрларни тайёрлаш масаласига стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифа сифатида қаради. Зеро, илм- маърифатли ва юксак маънавиятли мутахасислар жамият тараққиёти ривожланиш механизмининг энг қудратли омилларидан биридир.

Ўзбекистоннинг мустақиллика эришиши, унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида рўй берган туб ўзгаришлар, демократия ва бозор иқтисодиётига асосланган янги жамиятни қуриш, бутун дунёга глобаллашув жараёнларининг кенг ёйилиши, ёш давлат олдида турган жаҳон ҳамжамятига интеграциялашувни долзарб вазифалари республика таълим тизимининг ислоҳ қилишни ва ривожланишини тенденциялари ҳамда характерини белгилаб берди.

Ўзбекистондаги мавжуд таълим тизимини барча бўғинларини жумладан, олий таълимни янги ижтимоий-иқтисодий шароитда мамлакат ҳаётида бўлаётган туб

ўзгаришларга мослаштириш зарурияти XX аср 90 йилларида яққол намоён бўлди. Ўзбекистонда таълимни замон талаблари асосида модернизациялаш ва узлуксиз таълим тизимини яратишда 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ни ҳаётга тадбиқ қилиниш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўтган давр мобайнида тўпланган тажриба ва эришилган натижани таҳлил қилиш бугунги кунда олий таълимни янада такомиллаштиришга ҳамда юзага келган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

2.Методлар ва ўрганиш даражаси:

Тадқиқот умум қабул қилинган тарихий методлар, тарихийлик, холислик, кетма-кетлик ва қиёсий мантиқий таҳлил тамойиллари асосида амалга оширилган. Мавзуга оид Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда чоп этилган тадқиқотлар унга бўлган қизиқишни кўрсатади. Ўзбекистонда олий таълим соҳасидаги ислохотларни бориши Л. Аллаев(Allaev . L 2000), Ш. Курбанов, Э. Сейтхалилов (Kurbanov, Sethalilov 2001), Д. Васиева (Vasieva. D 2008), Э. Сейтхалилов, А. Дониёров (Sethalilov, Doniyrov 2011), Р. Уразбаева (Urazbaeva 2011), Т. Мажидов, Д.Гош, К.Рўзиев (Majidov, Ghosh, Ruziev. 2010), К.Рўзиев, Д.Пустамов (Ruziev, Rustamov 2016), К.Рўзиев, У.Бурханов (Ruziev K. and U. Burkhanov. 2016), А.Юн (Yun. A 2016)З. Абдукаримова(Abdukarimova. Z 2019), Р. Сиддиков(Siddikov. R 2011,2015,2019) ва бошқаларнинг қатор асарлар ва мақолаларида ёритилган.

Шунингдек мустақиллик йилларида Ўзбекистонда олий таълимни ривожланиши ва ислох қилиниши турли нодавлат, халқаро ҳамда республика илмий марказлари ва ташкилотлари томонидан ўрганиб келинмоқда.Жумладан, Жаҳон Банки (The World Bank 2007, 2014, 2018), Темпус (TEMPUS 2010,2016),Иқтисодий тадқиқот маркази(Center for Economic Research. Тошкент- 2009, 2012), БМТРД (UNDP 2008,2009) ва бошқалар шулар қаторига киради.

3.ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ:

Совет мустабид тузуми даврида Ўзбекистон иқтисодиётини деярли барча соҳалари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб .мустақиллик арафасида Ўзбекистонда 42 олий ўқув юрти, жумладан учта давлат университети (Тошкент, Самарқанд ва Қорақалпоқ), 14 педагогика ва тил педагогика, 9 муҳандислик-техника, 3 қишлоқ хўжалик институти, 7 тиббиёт фармацевтика институти, 3 санъат ва маданият институти, шунингдек, биттадан халқ хўжалик, кооперация, жисмоний тарбия ва спорт институти мавжуд эди[2].

Кўплаб муҳим мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш асосан собиқ Совет иттифоқининг марказий олий ўқув юртларида амалга оширилган. Уларга республикадаги мактаблар битирувчиларининг ўқишга кириши кўп сабабларга кўра чекланган бўлиб, Республика олий ўқув юртларида ўқитиладиган фанлар ўқув режалари ҳамда дастурлари марказ томонидан тасдиқланар ва ўтган асрнинг 80 йиллари охирига қадар миллий хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда бирон - бир ўзгартириш киритишга йўл қўйилмас эди.

XX асрни 80 чи йилларда Ўзбекистонда барча соҳаларда бўлгани каби таълимни ривожланишида ҳам турғунлик ўзини намоён қилди.Совет даврида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва олий таълимни ривожлантиришда маълум ютуқларга эришилган булишига қарамадан,кадрлар тайёрлашда узлуксизлик ва узвийликни йўқлиги, экстенсив йўлда ривожланганлиги, таълимни молиялаштириш “қолдик” принципига асосланганлиги,шунингдек таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни яхши йўлга қўйилмаганлиги олий таълимни замон талабларидан орқада қолишига олиб келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов 1990 йилдаёқ “... Бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастури керак”, деган фикрни билдириб, “Олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш системасини қайта қуришни, бу соҳага кадрлар тайёрлашнинг буюртма усулини жорий этишни: республиканинг юқори малакали миллий мутахассисларини тайёрлаш учун Иттифоқдаги ва чет эллардаги энг яхши марказларга ёшларни юбориш системасини ўз ичига олиши керак”[3], дея таъкидлаган эди.

Ўзбекистон олий таълим ва малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш 1991 йилда олий таълимни таркибий қайта қуришдан бошланди. Дастлабки ислохотларни амалга оширишда асосий эътибор:

биринчидан, университет таълимнинг устуворлигига;

иккинчидан, олий таълим муассасаларини бўлиш ва ихтисослаштиришга;

учинчидан, олий таълимни худудийлаштириш ва жойлаштиришга қаратилди[2].

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасига таянган ҳолда университет таълимини устуворлигини таъминлаш мақсадида республиканинг йирик етакчи олий ўқув юртлари негизида 1991 йилда Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент Давлат аграр университети ҳамда Фарғона Давлат университетлари ташкил топди[4]. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни оптималлаштириш ва бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб янги мутахассисликлар бўйича етук кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида олий таълим муассасаларини бўлиш ва ихтисослаштириш амалга оширилди. Жумладан, 1991 йилда Тошкент Давлат университети таркибидан Тошкент Давлат шарқшунослик ва Тошкент Давлат юридик институти ажралиб чиққан бўлса, Тошкент политехника институти негизида – Тошкент кимё-технология институти ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институти ташкил этилди. Шу йили республика учун молия ва банк соҳаси учун мутахассис-кадрлар тайёрлайдиган Тошкент молия институти Тошкент халқ хўжалиги институтидан ажралиб чиқиб, мустақил олий ўқув юртига айланди[4]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралда қабул қилинган “Республиканинг янги олий ўқув юртларини ташкил қилиш тўғрисида” Фармонида мувофиқ, Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, юқори малакали мутахассислар ва илмий кадрларни тайёрлашни яхшилаш, шунингдек республиканинг барча минтақаларини улар билан яна ҳам тўлароқ ва бир текисда таъминлаш мақсадида вилоятлардаги педагогик институтларга Андижон, Бухоро, Гулистон, Қарши, Наманган, Термиз, Урганч университетлари мақоми берилди[5].

Шундай қилиб, мустақилликни дастлабки даврида олий таълимда университет таълимни устуворлиги таъминланди.

Мустақилликни дастлабки йилларида таълим соҳасида амалга оширилган ислохотларга 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни дастлабки ҳуқуқий меъёрий асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу қонунда “Таълим Ўзбекистон Республикасида жамиятни ижтимоий иқтисодий, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устувор соҳаси ҳисобланади”, деб алоҳида таъкидлаб ўтилди[5].

Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга кириши, хорижий мамлакатлар билан дипломатик, иқтисодий, савдо ва маданий алоқалар ўрнатилишида пайдо бўлган янги имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1992 йил 23 сентябрдаги Фармонида асосан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил қилинди. Университетга жаҳон иқтисодиёти, давлатлараро муносабатлар, дипломатия, ҳуқуқ ва халқаро журналистика соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклатилди[6].

Кадрлар тайёрлаш тизимини ҳамда сифатини илғор давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб замон талаблари даражасига кўтариш олий ўқув юртларга танлов шартларини такомиллаштиришни тақазо этди. 1993-1994 ўқув йилидан бошлаб мавжуд олий ўқув юртларига барча таълим шакллари бўйича талабаларни тест усули билан танлаш жорий этилди. 1994 йил 14 майдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тест маркази иш бошлади. Давлат тест маркази зиммасига олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш юклатилди[7].

Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида амалга оширилган туб ислохотлар ҳамда бозор иқтисодиётининг кадрларга қўйган талаблари эскича экстенсив ёндошувдан воз кечиб асосий эътиборни, тайёрланаётган мутахассисларни сифатига қаратишни тақазо этди. 1991-1996 йиллар мобайнида таълим сифати паст бўлган кечки ва

сиртки таълим шаклларида кадрлар тайёрлаш қисқариб борди ва бу тенденция кейинги йилларда ҳам давом этди. Масалан, 1991-1992 ўқув йилида Ўзбекистонда 52 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатган бўлса уларни сиртки бўлимларида 114100 та ва кечки бўлимда 37800 та талаба таҳсил олган, 1994-1995 ўқув йилида олий ўқув юртлари сони 55 тага етди уларда талабалар сони сиртки бўлимда 83800 ни кечки бўлимда 14700 ни ташкил қилди[8].

Олий таълим тизимидаги ислохотларнинг кейинги босқичи 1996 йилда, олий таълимни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилгандан сўнг бошланди. Бу босқичнинг асосий устивор йўналишлари қилиб қуйидагилар белгиланди.

- бакалаврият ва магистратурадан иборат олий таълимнинг икки босқичли тизими жорий қилиш;

- олий таълим тизимини молиялашнинг янги тизимига ўтиш (давлат грантлари шаклида бюджет маблағлари ва шахсий манбалар ҳисобидан молиялаш, яъни талабаларни олий ўқув юртига тўлов шартнома асосида қабул қилиш);

- талабаларни мамлакатнинг барча ҳудудида бир кунда ва бир вақтда замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган кириш тест синовлари орқали қабул қилишга тўлиқ ўтиш[9].

Шундай қилиб, мустақилликни илк даврида Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантиришда танланган йўл маълум ижобий натижалар берди. Ўтиш даврида (1991-1997 йиллар) амалга оширилган ишлар таълим тизимининг такомиллашувига хизмат қилиб, мавжуд салбий ҳолатларни камайишига олиб келди. Шу билан бирга дунёдаги глобаллашув ҳамда жаҳон таълим маконидаги интеграция жараёнлари ва замонавий кадрларга қўйилаётган талаблар соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва тубдан модернизация қилишни тақозо этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 27 августда бўлиб ўтган IX сессиясида Ўзбекистон таълим тизимини ахvoli ундаги муаммолар атрофлича таҳлил қилинди ва замонавий узлуксиз таълим тизимини яратишга қаратилган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинди[10].

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ қилишда ислохотларни босқичма-босқич ўтказиш тамойилига амал қилинди.

Биринчи босқич – ўтиш даври бўлиб (1997-2001 йй.) унда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиш унинг ривожланиши учун ҳуқуқий меъёрий, илмий-методик, молиявий - моддий шарт-шароитлар яратилди.

Таълим мазмунини ислоҳ қилиш, тайёрланаётган кадрлар сифатининг республикада амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди. Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган бакалаврият ва магистратура учун давлат таълим стандартлари жорий этилди[11].

Олий таълимни ислоҳ қилишни меъёрий ҳуқуқий асосларини жаҳон таълим маконидаги талабларга мослаштириш ҳамда юқори малакали кадр тайёрлашни сифатини ошириш мақсадида халқаро стандарт тамойилларига асосланган классификатор қабул қилинди[12].

Ўзбекистон олий таълим тизимини такомиллаштириш жараёнлари давом эттирилиб ислом динига оид бой ва ноёб маданий меросни чуқур ўрганиш, диний фундаментализм ва экстремизм ғояларига қарши курашиш, замон талабларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Тошкент ислом университети ташкил қилинди. Университетга диншунослик асослари, ислом дини тарихи ва фалсафаси, ҳамда замонавий фанларни чуқур ўзлаштирган, юқори малакали мутахассис ходимлар тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни таъминлаш вазифаси юклатилди[13].

Ўзбекистоннинг ривожланиш истиқболларидан келиб чиқиб, 1999 йилда олий ўқув юртлари факультет ва йўналишларида мутлақо янги йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Тошкент тиббиёт институтида олий квалификацияли тиббиёт ҳамшираларини

тайёрлаш бўлими, Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетидида халқаро журналистика ва Тошкент иқтисодиёт университетида халқаро туризм факультетлари ташкил қилинди[14].

Тошкент Давлат университетининг нафақат республикада, балки минтақада ҳам биринчи замонавий олий таълим муассасаси эканини, Ўрта Осиё давлатларида таълим ва илмий-тадқиқот тизимини шакллантиришдаги муҳим ўрни, ҳамда халқаро нуфузини назарда тутган ҳолда 2000 йил 28 январда унга “Миллий университет” мақоми берилди[15].

Олий таълим тизимида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълимнинг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш, жаҳон таълим тизимида кўшилиш, масалалари ҳар доим таълим соҳасида давлат сиёсатининг устивор йўналиши сифатида ҳукумат диққат марказида бўлди. XXI аср талабларига жавоб берадиган кадрларни тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 16 августда “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларни тасдиқлаш тўғрисида” Қарорни қабул қилди[15]. Янги меъёрий асосда бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фанлар дастурларининг янги авлоди ишлаб чиқилди[16].

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқичи амалга оширилиши натижасида 1997-1998 ўқув йилида Ўзбекистон олий таълим тизимида 58 та ўқув муассасасида 163,7 минг нафар талаба таҳсил олган бўлса, 2001 йилга келиб 61 та олий ўқув юртида 207,2 нафар талаба таҳсил олди. 2001 йилда ички ялпи маҳсулотнинг 11,4 % таълимга ажратилган бўлса, шундан 15,8 % олий таълимга тўғри келди[17].

Шу билан бирга, таълим олувчиларга бир қатор имтиёзлар берилди. Олий ўқув юртларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш амалиётга жорий этилди[18]. Шундай қилиб, биринчи босқичда Олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш уни таркибий қайта қуриш ва университет таълимини устиворлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилди.

Иккинчи босқич – (2001-2005 йиллар)да Олий таълим тизимидаги таркибий ўзгаришлар, таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини ўқув адабиётлари ҳамда илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш давом этирилди.

Шу даврда олий ўқув юртларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот-технологияларини жорий қилиш, “Интернет”нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш ҳамда ахборот-коммуникация соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига эътибор қаратилди. Мамлакатни инновацион ривожланишида шу соҳани юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида Тошкент электротехника алоқа институтига 2002 йилда Тошкент ахборот технологиялар университети мақоми берилиб, 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш, тармоқ технологиялари, кўчма радиотелефон алоқаси, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш бошлаб юборилди[19]. “ZiyoNET” тармоғини ташкил қилиниш Интернет тармоғининг миллий сегментида таълим ва билим берадиган ахборот ресурсларини ривожлантиришда ёшларга мўлжалланган ахборот ресурсларини ягона тизимини шаклланишида муҳим роль ўйнади[20]. 2005 йилга келиб барча олий ўқув юртлари Интернет глобал тармоғига уланган бўлиб олий таълим тизимида компьютерларни сони 18332 тага етди. Натижада ҳар 100 та талабага 6,7 дона компьютер тўғри келди. Ziyo.edu.uz электрон ўқув базаси олий ўқув юртларида ўқитиладиган фанларни ўзида жамлади[21].

Мамлакат эҳтиёжларидан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш соҳасини жумладан, туризмни ривожлантириш ва уни малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2004 йилда Самарканд кооператив институти, Самарканд иқтисодиёт ва сервис институтига айлантирилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини Ўзбекистонда амалга оширилиши натижасида яхлит, икки босқичдан иборат олий таълим тизими шаклланди. 2005-2006 ўқув йилида Республиканинг 62 та олийгоҳида 278,7 минг нафар талаба таҳсил олди. Ўзбекистон таълим

тизимининг барча бўғинларида юқори малакали педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, ҳамда “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” доирасида маориф соҳасига кадрлар тайёрлаш устивор йўналиш деб қаралганлиги олий таълимни ривожланиш тенденцияларини белгилаб берди. Шу даврда талабаларнинг 55 фоизга яқини (151,8 минг) маориф соҳасига тўғри келди[22].

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини учинчи босқичида (2005 -2016 йй) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда олий таълимни модернизация қилишга киришилди. Лекин бу вазифани бажаришда олий ўқув юртларини моддий техника базасини мустаҳкамлашга ва ахборот коммуникация технологияларини жорий қилишга йўналтирилган маблағлар етарли бўлмади. Шуниндек таълимни барча бўғинларида соҳа ходимларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари эътибордан четда қолганлиги, ўқитиш сифатини мактаб ва ўрта махсус касб хунар таълим тизимида пастлиги афсуски кўплаб олий ўқув юртларида коррупцияни кенг авж олишига олиб келди[23]. Натижада олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрларни сифати паст даражада бўлди ва бошқа салбий ҳолатлар кузга ташланди.

Ўзбекистонда олий таълимни моддий техника базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида “2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастури” қабул қилинди[24]. Дастурда Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шакллари жорий этиш, асосида олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифаси кўйилди.

Дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди[25].

Дастур асосида олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янгиланган классификатори ишлаб чиқилиб, ўз мазмунига кўра яқин мутахассисликларни бирлаштириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада талаб қилинмаган мутахассисликларни тугатиш ҳисобига бакалаврият таълими йўналишларининг сонини 228 тадан 165 тагача, магистратура мутахассисликлари сонини эса 1200тадан 447 тагача камайтирилди. Кейинги йилларда республика минтақаларида жойлашган олий ўқув юртларида замонавий муҳандислик-техник мутахассисларини тайёрлашни кенгайтирилди. Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти – Андижон машинасозлик институтига; Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти – Наманган муҳандислик-технологик институтига; Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти – Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига айлантирилди. Дастур асосида 2014 йил охирига келиб 19 та олий ўқув юртида 230 миллиард сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари тугалланди.

2015-2016 ўқув йилига келиб олий ўқув юртларини моддий техника базасини мустаҳкамлаш давом эттирилиб, қабул қилинган дастурга асосан, 24та олий ўқув юртлар 154 та объектларида қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва жихозлаш ишлари олиб борилди[26].

Шунингдек, 2011-2016 йилларда олий ўқув юртларини моддий техника базаси компьютер ва ахборот технологиялари билан жиҳозланди. Ўзбекистон олий таълим тизимида 2015 йилга келиб ҳар 100 талабага, 13,3 та компьютер тўғри келди[27]. Бу ўз навбатида олий ўқув юртлари ахборот-ресурс марказларини “Интернет” тармоғига уланиш имконини берди ва таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон олий таълим тизимида юқори малакали кадрларни тайёрлаш сифатини замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаш долзарб масала бўлиб

қолаверди. Шу муаммони ечиш мақсадида янги олий ўқув юртлари ташкил қилинди ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилди.

Жумладан, 2013 йил 28 июнда “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарорига[28] биноан Тошкент Давлат юридик институти Тошкент Давлат юридик университети этиб қайта ташкил этилди. Юридик таълимни замонавий халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида 2015 йилдан бошлаб Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, Тошкент Давлат юридик университетиди модул тизимини жорий қилиниши алоҳида янги тартиби белгиланди ҳамда 12 та мутахассислик фанларининг инглиз тилида ўқитилиши йўлга қўйилди[29].

2014 йилда стоматалогия соҳасидаги юқори малакали тиббиёт кадрларини халқаро талаблар ва стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш мақсадида “Тошкент Давлат стоматалогия институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди[30].

2016 йил 13 майда Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил қилиниши муҳим тарихий воқеа бўлди. Университет таркибида 3 та факультет: ўзбек филологияси, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш, ўзбек-инглиз таржима факультетлари 2016-2017 ўқув йилида дастлабки 300 нафар талабани ўқишга қабул қилди[31].

Маълумки таълим тизимидаги ислохотларни самарали бўлиши ҳамда тайёрланаётган кадрларни салоҳияти, сифати ва компетентлик даражаси авваламбор илмий-педагогик кадрларни қай даражада замон талабларига мослиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ислох қилишда ҳамда юқори малакали педагогик кадрларни тайёрлашда илғор давлатларнинг тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадида 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов фармонида биноан ташкил қилинган “Умид” ва “Устоз” жамғармалари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга ўзларининг маълум ҳиссаларини қўшдилар. 1997 йилдан 2003 йилгача бўлган даврда “Умид” жамғармаси грантлари асосида жами 828 нафар талаба ёшлар чет мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида бакалаврият ва магистратуранинг турли йўналиш ва мутахассисликларида замонавий ҳамда эҳтиёж талаб соҳалар бўйича таълим олдилар (АҚШда 343 нафар, Буюк Британияда 329 нафар, Германияда 84 нафар, Францияда 33 нафар, Японияда 20 нафар, Канадада 11 нафар, Италияда 8 нафар талаба ёшлар тахсил олди).

“Устоз” жамғармаси орқали 1997 -2003 йилларда мамлакат олий ўқув юртларининг 935 нафар профессор-ўқитувчилари дунёнинг ривожланган давлатлари университетлари ва илмий марказларида малака оширдилар[32].

2003 йил 1 июлидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ “Умид” ва “Устоз” жамғармалари бирлаштирилиб “Истеъдод жамғармаси ташкил этилди. Жамғармага ёш иқтидорли педагогик кадрларни танлов орқали аниқлаб, етакчи чет эл илмий марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида уларни интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш вазифаси юкланди[33].

Ўтган давр мобайнида 10100 дан ортиқ педагог ва илмий кадрлар жамғарманинг кундузги мақсадли курсларида қайта тайёрландилар. “Истеъдод” жамғармаси гратлари шарофати билан 800 нафардан ошдиқ ёш педагог ва илмий ходимлар чет элда ўз малакаларини оширишга мувофақ бўлдилар[34].

Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро алоқалар жадал ривожланди. Талабаларнинг мобиллиги бир нечта халқаро дастурларнинг кўмагида Erasmus + Европа Иттифоқи, Fulbright Student АҚШ, (DAAD) Германия, Chievening Program Буюк Британия, ҳамда яна бир қанча (JICA) Япония, (Koica) Жанубий Корея, Франция, Хитой, Испания, Россия Федерацияси ҳукуматлари томонидан молиялаштирилган дастурлар асосида амалга оширилди.

Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги таълимни ислох қилишдаги ҳамкорлик 1994 йилдан бошлаб Tempus Tacis лойиҳалари асосида йўлга қўйилди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда олий таълимни модернизациялашда 80 дан ортиқ Tacis (Technical

Assistance for the Commonwealth of independent States) лойиҳалари амалга оширилди. Tempus (Trans-European Mobility Programed) лойиҳаларида барча вилоятлардан 55 та олий ўқув юртлари иштирок этди[35].

Республикада жаҳон таълим стандартлари ҳамда бозор иқтисодиёти талабларига мос олий маълумотли юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, ривожланган мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида нуфузли хорижий олий ўқув юртларини филиаллари, замонавий ва эҳтиёж талаб мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошлаб юборди.

Дастлаб 1995 йилда Россия Федерациясини нуфузли олий ўқув юрти ҳисобланган Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, Республика эҳтиёжлари учун ўта зарур бўлган бозор иқтисодиёти ва менежменти қонуниятларини эгаллаган юқори малакали кадрларни тайёрлашга киришди. Глобаллашув даврида Ўзбекистон олий таълим тизимининг жаҳон таълим тизимига интеграциялашуви жараёнини жадаллаштириш ҳамда Европа иттифоқида кенг ёйилган Болония жараёнининг айрим элементларини, илғор таълим технологияларини Республика олий ўқув юртларига жорий этиш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистонда Буюк Британиянинг Вестминстер университети бизнес бошқарув, тижорат ҳукуқи, ахборот технологиялари ва иқтисодиёт йуналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни бошлаб юборилди. Кейинги йилларда Москва давлат университети (2006), Россия нефть ва газ университети (2007), Сингапур менежментни ривожлантириш институти (2007), Турин политехника университети (2009) ҳамда Жанубий Корея Инха университети (2014) каби нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, дастурлаш, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳукуқи, туризм каби меҳнат бозоридида эҳтиёж юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

4.Хулосалар:

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, мустақиллик йилларида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимини асослари ва замонавий олий таълим тизими шаклланди.

2016-2017 ўқув йилига келиб республикада 21 та университет, 37 та институт, 2 та академия, 11 та маҳаллий ва 7 та хорижий давлатларнинг олий ўқув юртлари филиаллари фаолият кўрсатди[36].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "...истиклол йилларида мамлакатимизда олий ўқув юртлари сони 2,5 баравар кўпайди. Мамлакатимизда давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7 фоизи таълим тарбия соҳасига йўналтирилмоқда"[37].

Таълим тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳасида эришилган ютуқларни объектив баҳолаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, охириги йигирма йилда Ўзбекистон иқтисодиётидаги ижобий тенденциялар ҳамда иқтисодий инфратузулмада саноат, хизмат кўрсатиш ва фойдали маъданларни экспорт қилишни улушини ортиб борганилигига қарамасдан мамлакат олий таълим тизими замон талабларига жавоб берадиган инновацион технологияларга асосланган иқтисодиёт тақазо этадиган меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлашга етарлича эътибор берилмади. Бундай аҳволни вужудга келишига объектив ва субъектив омиллар сабаб бўлди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда замонавий яхлит узлуксиз таълим тизими шакллантирилганлигига қарамасдан олий таълим тизими мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётида бўлган туб ўзгаришларга тўлиқ мослаша олмади. Олий ўқув юртларига киришни квоталар билан чекланганлиги меҳнат бозорини юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж билан тақлиф ўртасидаги мутаносибликнинг бузилишини вужудга келтирди. Ўтган даврда ёшларнинг қарийб 100% ўрта таълимга жалб қилинган бўлишига қарамасдан уларнинг фақат 9% олий таълим олиш имкониятига эга бўлди[38]. Кўп йиллар давомида Ўзбекистонда олий ўқув юртларига қабул квотаси деярли ўзгаришсиз қолди. 2005 йилда квота бўйича 57485

нафар талаба ўқишга қабул қилинган бўлса, 2016-2017 йилда 57907 нафар талаба қабул қилинди[39].

Ўзбекистон олий ўқув юртларига кириш тест синовларида 2005 йилда 286948 нафар абитуриент қатнашган бўлса 2016 йилда 663298 нафар абитуриент қатнашди. Олий маълумот олишга талабгорлар сони қарийб 2,5 баробар кўпайган бўлишига қарамадан бу кўрсаткич тайёрланаётган кадрларни сифатига пропорционал ижобий таъсир кўрсатмади. Жаҳон банки томонидан 2013 йилда саноат корхоналарида иш берувчилар ўртасида ўтказилган сўровномада қатнашганларни 36% олий маълумотли кадрларни билим ва кўникмаларини замон талабига жавоб бермаслигини таъкидланган[40].

Шунингдек, 2011 йилга қадар олий таълимга умумий давлат харажатларидан бор-йўғи 5,2 % маблағ ажратилди[41]. Агар бошқа давлатлар билан солиштирилса Қозоғистонда бу кўрсаткич 13,1%, Россияда эса 23,1%га, Туркияда 31,9% га тенг бўлди[42].

Маълумки юқори малакали кадрларни тайёрлашда юксак илмий салоҳият ва замонавий педагогик технологияларни эгаллаган профессор-ўқитувчилар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунини таъкидлаш керакки, охириги ўн йилда олий ўқув юртларини илмий салоҳияти пасайиб борди. 2005 йилда республика олий ўқув юртларида 22228 нафар педагоглар фаолият кўрсатган, уларнинг 42,8% илмий унвон ва даражага эга бўлган, 2014-2015 йилда уларнинг сони 22841 нафар бўлиб, илмий унвонлилар – 37,8% ташкил қилди[43].

Рақамлардан кўриниб турибдики профессор-ўқитувчиларнинг олий таълим тизимида илмий салоҳияти ўсмади аксинча пасайиб борди. Бундай ҳолни вужудга келишига объектив ва субъектив сабаблар олиб келди. Илм -фанни ривожлантиришга ва профессор -ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялашга етарлича эътибор берилмаганлиги ҳамда олий таълимни молияллаштиришни паст даражада сақланиб қолганлиги, вилоятларда ташкил қилинган кўплаб олий ўқув юртларини илмий салоҳиятини кўтаришга эътибор берилмаганлиги шулар жумласидандир .

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “Афсуски аксарият олий ўқув юртларида таълим сифати халқаро мезонларга ва реал иқтисодиёт талабларига жавоб бермайди. Ишлаб чиқаришда иш бошлаган кўпгина битирувчиларни аксарият ҳолларда қайта тайёрлашга тўғри келмоқда”[44]. Яна кадрлар тайёрлашдаги муаммоларга эътибор қаратиб “Биз кўплаб дастурларни қабул қилмоқдамиз, лекин уларни амалга оширадиган, ташаббузкор ва ватанпарвар, юқори малакали кадрлар етарлими? Олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассислар олдими? Қўйилган улкан вазифаларни бажаришга қодирми? Уларга таълим бераётган ўқитувчи ва профессорларнинг билим ва малакаси давр талабига жавоб берадими?

Минг афсуски, бу саволларга жавоб бериш осон эмас. Биз бу йўналишдаги ишларимизни танқидий баҳолаган ҳолда 2017-2021 йиллар Олий ўқув юртлари тизимини янада ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқишимиз ва уни ҳаётга татбиқ этишимиз керак бўлади”[45] деган фикр билдирилди.

Мустақиллик йилларида босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибани холисона баҳолаган ҳолда ,эришилган ютуқлар ва юзага келган муаммоларни таҳлил қилиб ҳамда замон талабларидан келиб чиқиб 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди[46]. Ҳаракатлар стратегиясида узлуксиз таълимни янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш вазифалари қўйилди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Trends in Global Higher Education: Tracking an Academic Revolution Executive Summary A Report Prepared for the UNESCO 2009. World Conference on Higher Education, Philip G. Altbach. Liz Reisberg, Laura E. Rumbley. Published in 2009 by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization.
2. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. – Тошкент: БМТТД, 2008. – Б. 122.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 16-17.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари: Маълумотнома. Тузувчилар: М.Саидов, А.Маманазаров, Т.Дадаев. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2003. –Б. 215.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – Т., 1992. - № 9. – Б. 45-58., 175-176.
6. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 1992 йил 23 сентябрдаги ПФ-474-сонли “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармони / <http://Lex.uz/Pages/GetAct.aspx?Lactid=170011>.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 майдаги 258-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тест маркази ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори / <https://lex.uz/acts/726048?ONDATE=14.05.1994%2000#726166>
8. Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги 1994 йиллик статистик тўплам. –Тошкент, 1995. –Б. 104, 107.
9. Инсоният тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. – Тошкент: БМТТД, 2008. – Б.124.
10. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 4-19.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сонли “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида” ги Қарори / <https://www.lex.uz/docs/622242>
12. Таълим-тарбия сифати ва кирралари / Тузувчилар: Ғуломов С.С., Раимов Х.Р., Саидов М.Ҳ., Ходиев Б.Ю. - Т.: Fan va texnologiya, 2004. – Б. 25.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 7 апрелдаги ПФ-2282-сонли “Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида” Фармони / http://Lex.uz/Pages/GetAct.aspx?Lact_id=213560
14. Республика Узбекистан: Результаты реформ и дальнейшая стратегия развития высшего образования. <http://www.unesco.KZ/education/he/uzbek/uzbnat.ru.dok>
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори / <https://lex.uz/docs/361387>
16. Таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат. 2008. –Б. 198-215.
17. Республика Узбекистан: Результаты реформ и дальнейшая стратегия развития высшего образования. <http://www.unesco.KZ/education/he/uzbek/uzbnat.ru.dok>; Развитие системы образования в Узбекистане 2000-2004 статический сборник. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. 2005. – С.96.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида” Қарори / <https://lex.uz/docs/351698>
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 385-сонли “Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори / <https://lex.uz/docs/327307>

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ-191-сонли “Ўзбекистон республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори / <https://lex.uz/docs/858969>
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ-191-сонли “Ўзбекистон республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори / <https://lex.uz/docs/858969>
22. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2008. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. –Тошкент. 2009. –Б. 121.
23. Yun A. Corruption in Uzbek higher education: Detrimental impurity for the future. (Central Asia policy briefs #34) 2016
24. 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастури / Тошкент окшоми. 2011, 23 май.
25. Халқ сўзи. 2012 йил 20 январ.
26. <https://www.un.int/uzbekistan/news/> Система высшего образования Узбекистана: доступность, эффективность, инновации.
27. Сейтхалилов Э., Дониёров А. К истории развития профессионального образования Узбекистана в период независимости. O'zbekiston tarixi 2011-yil 2-son. –Б. 27. Қаранг: <http://edu.uz/uz/pages/infg>.
28. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 й. 29 сон. 372 модда.
29. Ўзбекистон овози. 2015 й. 12 май.
30. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014 й. 30 сон. 367 модда.
31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги 152-сонли Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги Қарори / <https://lex.uz/mobileact/2959330>
32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси жорий архиви. 1997-2003 йил маълумотлари.
33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 июлдаги ПФ-3272-сонли “Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони / <http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lactid=484629>
34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси жорий архиви 2013 йил маълумотлари.
35. Узбекистан. Обзор системы высшего образование. Февраль 2016 г. Erasmus +. http://eacea.ec.europa.eu/education/Eurydice/eurypedia_en..php.
36. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий сайти. <http://edu.uz/uz/opendata/view?id=3>
37. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик .Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташки ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. Ма’rifat 2016 yil 19 oktabr.
38. Узбекистан: Модернизация системы высшего образование. Июнь 2014 г. Документ Всемирного банка. – С.10.
39. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий сайти. <http://edu.uz/uz/pages/sss>
40. Узбекистан: Модернизация системы высшего образование. Июнь 2014 г. Документ Всемирного банка. – С.11.
41. Узбекистан: Модернизация системы высшего образование. Июнь 2014 г. Документ Всемирного банка. – С.19.
42. Узбекистан: Модернизация системы высшего образование. Июнь 2014 г. Документ Всемирного банка. – С. 84.

43. Высшее образование в Узбекистане 2005 год. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жорий архиви. <http://edu.uz/uz/pages/sss>
44. Тошкент оқшоми. 2016 йил 26 ноябр.
45. XXI asr, 2016 -yil 20-oktabr.
46. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Расмий нашр / Ўзбекистон Адлия вазирлиги. -Тошкент: Адолат, 2017. –Б. 112.

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000